

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 5 март, № 46 (5213) Шанба



# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли дўстлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарувчилари, ходимлари ва фахрийлари!

Сизларни — ўзини одамларнинг ҳаётини асраш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишдек олижаноб ишга бағишлаган барча инсонларни қутлуғ сана — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги билан самимий табриклаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини табиий офатлар, техноген ҳалокат ва фалокатлардан муҳофаза қилиш бўйича ишончли ва самарали миллий тизимни яратиш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Шу борада қўйилган мақсадга эришиш йўлида кўлами ва моҳиятига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил этиш масалалари, шунингдек, қутқарув хизматлари ва қутқарувчилар фаолиятини, ҳуқуқий мақомини тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шаклланди.

Юртимизда ва илғор хорижий мамлакатларда тўпланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда, фуқаро мудофааси қурилиши бўйича ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, ҳар томонлама пухта ўйланган, замонавий комплекс дастур асосида мутлақо янги, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ҳамда унинг мувофиқлаштирувчи органи — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу тизим 40 дан ортиқ турли вазирлик ва идораларни, республикамизнинг барча ҳудудий бўғинларини қамраб олиб, давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, табиий офат ва ҳалокатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларига қарши курашиш бўйича миллий куч ва воситаларнинг ўзаро уйғунлиги ва яқин ҳамкорлигини таъминламоқда.

Мамлакат ва минтақаларимиз даражасида ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари, объектларнинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатлар, жумладан, трансчегаравий кўринишдаги фалокатларга қарши чора-тадбирларни тезкор ва ўз вақтида амалга оширмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, сейсмик ҳолатларни кузатиб бориш ва ёнғинларнинг олдини олишда қўлланадиган технологиялардан, шунингдек, ҳалокатлар пайтида ишлатиладиган энг янги қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникадан кенг фойдаланиш фавқулодда вазиятларни мониторинг ва прогноз қилиш тизимининг юксак даражада ишончли бўлишини, қутқарув операцияларини режалаштириш ва амалга оширишнинг тезкорлигини таъминламоқда.

Шу йиллар мобайнида оператив фикрлаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини қандай ҳаракат қилишга ўргатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда илмий-педагогик ва ўқув-машғулот марказлари — Фуқаро муҳофазаси институти ва Қутқарувчиларни тайёрлаш маркази ташкил этилгани, уларда 20 минг нафардан ортиқ мутахассис ва қутқарувчи таълим олганини алоҳида қайд этиш зарур.

Хорижий марказлар билан табиий офатлар ва фалокатлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Хусусан, бу борада Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Япония, Украина, Латвия ва бошқа мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Табиий офатларни камайтириш халқаро стратегияси ва Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Осиё маркази каби халқаро тузилмалар доирасида фавқулодда вазиятлар хавфининг олдини олишга доир илғор амалий тажрибаларни алмашиш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Сўнгги ўн беш йил давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 4 мингдан ортиқ йирик қутқарув операциялари амалга оширилди.

Қутқарувчиларнинг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли 16 мингдан зиёд фуқаромизнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солган таҳдидларнинг олдини олишга эришилгани, айниқса, эътиборлидир.

Фавқулодда вазиятлар хизматлари ва тузилмаларининг ташкил топиши бўйича шу даврда босиб ўтилган мураккаб йўлни баҳолар эканмиз, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлаши, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти, тинч меҳнати ва осойишталигининг ҳимояси ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айтиш мумкин.

Ҳурматли қутқарувчилар!

Кейинги вақтда дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган йирик табиий офат ва техноген ҳалокатлар, республикамизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида зилзила, жала ва тошқинлар, сел ва кўчкилар юз бериш хавфи, шунингдек, манбаи биз билан чегарадош давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий кўринишдаги хатарларнинг сақланиб қолаётгани ушбу хавфли ҳолатларга қарши самарали ва таҳдид даражасига мос равишда ҳаракат қилишни, барча қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг аниқ ва ўзаро уюшган ҳаракатини, ҳар бир қутқарувчининг ўз хизмат бурчини масъулият билан бажаришини тақозо этмоқда.

Қўйилган ана шундай мақсадга эришиш йўлида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қутқарув хизматларининг юқори малакали ходимларини тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича ишларни давом эттириш даркор.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳар бир ходими фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда мавжуд ҳолатга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда ўқитиш борасида ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар, авваламбор, қанча-қанча инсонларни қутқариб, ҳаётини асраб қолишга хизмат қилишини доимо ёдда тутмоғи лозим.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўз ишига садоқатли, профессионал мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўлолмайди. Чунки қутқарувчилик — бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир.

Ишончим комилки, мардлик ва матонат, ўз ишининг профессионал негизини чуқур билиш, тезкор ҳаракат қилиш ва сафарбарлик бундан буён ҳам сиз эгаллаган олижаноб касбнинг энг муҳим мезони ва хусусияти бўлиб қолаверади.

Сизларни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда кўп йиллик фидокорона меҳнати, ўз хизмат вазифаларини бажаришда кўрсатган жасорати ва жонбозлиги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Курбаниязов Нурулла Туркманбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Волков Петр Владиславович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг алоқа тармоғи бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Мансуров Мақсуд Маҳкамович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Умрбеков Ғолибжон Ғайратбекович** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Чариев Комил Узоқович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Республика кўп тармоқли тез ҳаракат қилиш маркази қутқарувчиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Бобоқулов Акрам Тиловович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

**Ходжаев Бахтияр Абдужамилович** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 28 февраль

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# КОНСТИТУЦИЯГА ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш кун тартибининг асосий масаласи бўлди. Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган.

Қуйи палатанинг ялпи мажлисида кўриб чиқилишидан олдин қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи мажлисларида, Қонунчилик палатасининг қўмиталарида фаоллик билан кенг муҳокама қилинди. Мазкур муҳокамалар вақтида депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини тўла-тўкис қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган тузатишлар ўз вақтида бўлаётганлигини ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг интернетдаги сайтида кенг ёритиб борилди.

Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси мажлисидаги моддама-модда муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, қонун лойиҳасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган қўшимчаларга биноан янги, демократик принципларга мос конституциявий тартиб жорий этилмоқда. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси ўз мазмун-моҳиятига кўра, мустақил давлатимизни демократик ривожлантиришдаги, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга моликдир. Сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ҳукуматни шакллантиришнинг янги тартиби киритилиши сиёсий партияларнинг масъулиятини, жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).



# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

***Тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини муҳофазалаш Президентимиз Ислом Каримов томонидан юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини турли табиий ва техноген хавф-хатарлардан асраш, уларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асоси яратилди, бу борада мустаҳкам тизим шакллантирилди.***

Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ, фуқаролик мудофаасини қуриш бўйича эскирган ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш ҳамда ҳаракат қилишнинг мутлақо янги давлат тизими — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятининг асосий устувор вазифалари белгилаб берилди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, қутқарувчи ва фахрийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига байрам табригини Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазири Т. Худойбергенов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

*Ҳар қандай инсон “яхши яшасам, ҳаётнинг завқини тотсам, орзуларим рўёбини кўрсам”, дея ният қилади. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин бундай мақсадларга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслиги ҳам барчага аён. Қачонки, жамиятда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик ҳукм сурсагина, дилдаги эзгуликлар амалда ўз ифодасини топиши мумкин.*

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ЮКСАК ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ

**Қутқарувчиларимизнинг эл тинчлиги ва хотиржамлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шундай таърифга лойиқ.**

**Сана**

Истиқлолга эришганимизнинг қутлуғ йигирма йиллик санасини катта ҳаяжон ва кўтаринки кайфият билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётган халқимиз ана шу ҳаёт ҳақиқатини ўз турмуш шароитининг яхшиланиб бораётгани, шаҳару қишлоқларимизда давом этаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари мисолида яққол ҳис қилиб турибди. Мана шундай шукуҳли кунларнинг қадр-қимматини билиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини ҳам бу азиз диёрда умргузаронлик қилаётган ҳар бир ватандошимиз чуқур англаб етади.

Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида жаҳон майдонида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бораяпти. Бу бугунги кунда халқаро миқёсда катта қизиқишга сабаб бўлаётган “ўзбек модели” дея ном олган миллий тараққиёт йўлимизнинг самаралари билан боғлиқ. Унинг асосини ташкил этадиган тамойиллар, жумладан, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи ролини ўзига олиши,

(Давоми 2-бетда).

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Хоразмда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

**Болалар спорти**

Уни вилоят ҳокими О. Оллаберганов бошқарди.

Таъкидланганидек, эртамиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсон қилиб ўстириш, фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жойларда бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, стадионлар барпо этилиб, улар зарур анжомлар ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мана шундай кенг имкониятлар оғушида улғаяётган ўғил-қизларимиз эндиликда қитъа, жаҳон ва Олимпиада ўйинларида ўз истеъдодларини намойиш этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар.

2003 — 2010 йиллар мобайнида Хоразм вилоятида 73 та замонавий болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди. Уларнинг 65 таси қишлоқ жойларда барпо этилганлиги эътиборга лойиқ. Бугунги кунда вилоятда 6 — 19 ёшгача бўлган 355 минг нафардан зиёд болаларнинг 139 минг 858 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# КОНСТИТУЦИЯГА ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Олий Мажлиси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқининг берилиши тўғрисида Конституцияга киритилаётган тузатишлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, Конституциянинг 98-моддасида агар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши белгиланмоқда.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Ушбу норма жуда муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини янада оширади, мамлакатимиз давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар Конституциянинг 78-моддаси биринчи қисми 15-бандига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу ўзгартишларга мувофиқ Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилади. Бу ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтиради, депутатларнинг, фракцияларнинг долзарб социал-иқтисодий масалалар ҳал этилишида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимиз Конституциясига киритилаётган тузатишлар ижро этувчи ҳокимият ўз фаолиятини ташкил этиш борасидаги ҳуқуқларини, таъсирчанлигини сезиларли даражада кенгайтиришини таъкидладилар. Конституциянинг 93-моддаси 8-бандидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро этувчи ҳокимият девонини тузиши ва унга раҳбарлик қилишига доир ваколати чиқарилмоқда.

Депутатларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, демократикислоҳотлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ва босқичма-босқич ўтказилаётганлиги, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлаштирилаётганлиги бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконини берди. Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида ташкил этилган демократик институтлар, кўп партияли тизим мустаҳкамланганлиги, жамиятни эркинлаштириш жараёнлари изчил ривожланиб бораётганлиги, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ўтган йилларда эришилган ютуқлар мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш модели тўғри танланганлиги ва бундан буён ҳам шу йўлдан бориш зарурлигини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари Конституцияга киритилаётган мамлакат бюджетини шакллантириш ва рўёбга чиқариш соҳасида парламент назорати механизмларини назарда тутувчи ўзгартишлар муҳимлигини таъкидладилар. Чунончи, Конституциянинг 80-моддаси 6-бандига киритилаётган нормага мувофиқ, Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Экоҳаракатдан сайланган депутатлар таъкидладиларки, мамлакат Конституциясига киритилаётган янги ҳуқуқий нормалар Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш шакллари ва услубларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойларда социал-иқтисодий соҳадаги ишларнинг ҳолати бўйича ижро этувчи органлар раҳбарларини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш муҳим эканлиги қайд этилди.

Депутатлар округларда сайловчилар билан олиб бориладиган ишни тубдан яхшилаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини парламент фаолиятида янада кенгроқ инобатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини мамлакатнинг барча фуқароларига етказиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган тузатишларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, сиёсий партиялардан юқори даражадаги етукликни, Ўзбекистон Республикасининг тақдири ва келажаги учун улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб қилади.

Мажлисда, ҳужжат батафсил муҳокама қилиниши жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"-ги Қонунни қабул қилди.

Мажлисда бир қатор бошқа қонун лойиҳалари, шу жумладан, қонун ҳужжатларини бир хиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш жараёнида қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга ва бир қатор бошқа қонунларга тузатишлар киритилди. Улар ҳам кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.**

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йиллар мобайнида мазкур тизим фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ўз вақтида огоҳ этиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилишга доир ишларни ташкил этиш масалалари, ижтимоий муносабатлар, қутқарув хизматлари ва қутқарувчилар фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми тартибга солинди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппарати ва унинг жойлардаги бошқарма ҳамда тузилмалари, Республика кўп тармоқли тез ҳаракат қилиш маркази, тез ҳаракат қилиш махсус, "Қамчиқ" қидирув-қутқарув ва ҳудудий авария-қутқарув отрядлари энг замонавий қутқарув асбоб-ускуналари, транспорт, алоқа ва ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Фуқаро муҳофазаси институти, аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш ҳудудий марказлари, "050" қутқарув хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Тезкор фикрлайдиган ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир мутахассисларни тайёрлаш, аҳолини фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш тизими изчил такомиллаштирилди.

Аҳолини тошқинлар, кўчкилар ва бошқа табиий офат ва фалокатлардан асраш, уларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш соҳа вакилларидан юқори интеллектуал салоҳият ва сергакликни, зарур пайтда тезкор чора-тадбирлар кўришни талаб этади. Ушбу касб эгаларининг бу борадаги билим, кўникма ва тажрибаси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, энг янги авария-қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникадан фойдаланган ҳолда ўтказилаётган ўқув машқларида янада мустаҳкамланмоқда. Юртимиз қутқарувчилари ўртасида ташкил этилаётган кўп кураш мусобақалари уларнинг жисмоний тайёргарлиги, шайлиги ва касб маҳоратини янада оширмоқда.

Инсонлар ҳаётига дахлдор бўлган масъулиятли ва шарафли вазифани зиммасига олган мазкур касб эгалари иштирокида аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларда юртдошларимизга фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракатланиш қоидалари ўргатилиб, атрофдагиларга ёрдам кўрсатиш бўйича тушунчалар берилмоқда. Бундай чора-тадбирлар натижасида аҳолининг бу борадаги билим ва малакаси, огоҳлиги, хушёрлиги ошмоқда. Фавқулодда вазиятлар содир бўлиш ҳоллари тобора камайиб бораётир.

Айни пайтда фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш бўйича давлат тизимининг барча бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юқори малакали қутқарув хизматлари ходимларини тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган профилактика тадбирлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли бу борадаги ишларнинг сифат ва самарадорлиги ошаётир, фавқулодда вазиятлар тузилмалари ходимлари элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли қутқарувчига айланаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 февраль куни имзоланган "Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир. Фармонга мувофиқ, мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда кўп йиллик фидокорона меҳнати, ўз хизмат вазифаларини бажаришда кўрсатган жасорати ва жонбозлиги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг байрам табриги соҳамизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Республика кўп тармоқли тез ҳаракат қилиш маркази қутқарувчиси Комил Чариев. — Бу мукофот биз, қутқарувчиларга ўз вазифамизни бажаришда катта масъулият юклаши билан бирга, янги куч-ғайрат бағишлайди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби, Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нурулла Курбаниязов, "Жасорат" медали соҳиби, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири Мақсуд Мансуров, вазирлик хизматчиси Баҳодир Валиев, қутқарувчи онаси Ойдиной Саидғозиева, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов Президентимиз Ислом Каримовнинг соҳа ишчи-хизматчиларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Тадбирда санъаткорларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**
**Асқар ЁҚУБОВ олган сурат.**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ЮКСАК ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ

**Қутқарувчиларимизнинг эл тинчлиги ва хотиржамлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шундай таърифга лойиқ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган тамойил асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади. Шулардан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган бошқарув тизими, давлат ва жамоатчилик тузилмалари фаолияти изчил шаклланиб, эндиликда дунё миқёсида ўрганиладиган ўзига хос тажриба сифатида ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ана шундай давлат тизимларидан бири, дейиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш, содир бўлган ҳолларда, оқибатларини бартараф этиш, аҳолига фавқулодда вазиятлар ҳақида кенг тушунчалар бериш, уларни бундай ҳолатлар вақтида тўғри ҳаракатланишга ўргатиш каби вазифаларни амалга оширишни назарда тутиб, 1996 йил 4 мартда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган. Шунингдек, қатор қонунлар, фармон ва қарорлар ҳаётга татбиқ этилиб, соҳанинг ҳуқуқий пойдевори яратилган.

— Халқимизда "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин", деган пурмаъно ҳикмат бор, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи, полковник Раҳимжон Иноғомов. — Дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган табиий офатлар — сел ва сув тошқинлари, тўфон ва кўчкилар, зилзила ҳамда қор кўчкилари ҳақида ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб, юртимизда бундай нохуш воқеалар кузатилмаётганига минг бора шукрона келтирамиз. Кексаларимиз ҳам ҳамиша қўлларини дуога очганда: "Ватанимизда тинчлик, омонлик бўлсин", дея ният қиладилар. Қутқарувчиларнинг энг катта мақсади, орзуси ҳам элимизнинг хотиржамлиги, осойишталиги билан ҳамоҳанг.

Албатта, ҳар бир соҳада ишнинг сифати, самарадорлиги бевосита мавжуд шарт-шароитларга, кадрларнинг кўникма ва малакаси қай даражада шаклланганига боғлиқ. Шу маънода, вазирлик тизимида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган республика қутқарувчилар кўп кураш мусобақалари қутқарувчиларни чиниқтириш, тоблаш, уларнинг маҳоратини оширишда ҳақиқий мактабга айланди. Шунингдек, соҳа вакиллари халқаро доирада уюштириладиган мусобақалар, ўқув-йиғинлари, айрим давлатларда юзага келган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўтказилган "Казспас — 2007" мусобақасида иштирок этган 32 жамоа орасида юртимиз қутқарувчиларининг фахрли учинчи ўринни эгаллагани, хорижий давлатларга инсонпарварлик ёрдами юкларини жўнатишда муносиб ҳисса қўшганликлари, фуқаро муҳофазасини таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътирофга лойиқ.

Вазирлик фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда, оқибатларини бартараф этиш юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан изчил алоқа ўрнатган. Ўтган давр мобайнида иқтисодиёт объектларида 500 дан ортиқ қўмондонлик-штаб, 7500 га яқин махсус-тактик ўқув машқлари ташкил этилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Кейинги йилларда дунёда юз бераётган табиий ўзгаришлар, экологик муаммолар аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларини юксак даражада ташкиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки кутилмаганда юзага келадиган қандайдир ҳодиса давлат ва жамият тинчлиги, хотиржам ҳаётига хавф солиши мумкин. Шарафли касб эгалари — қутқарувчиларимиз ана шу масъулиятни теран ҳис этган ҳолда халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга доимо тайёрдирлар.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# МАЛАКАЛИ ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

***Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Мамлакатимизда истиқлол йилларида аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш, бартараф қилишнинг самарали тизими яратилди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 4 мартда қабул қилинган Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкил этилгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йилларда ушбу тизимнинг юқори даражада ишончли фаолият кўрсатиши учун кенг шарт-шароит яратилди. Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, ҳар қандай фавқулодда вазиятларда қутқарув операцияларини амалга оширишга қодир малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорига асосан фаолиятини бошлаган Фуқаро муҳофазаси институтида юқори тайёргарлик ва малакага эга мутахассис ҳамда қутқарувчилар таълим олади.

Фуқаро муҳофазаси институти янги биносининг очилишида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Т. Худойбергенов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб борадиган, улар асосида ўқув-услубий қўлланмалар яратадиган ва жамоатчиликни шунга ўргатадиган йирик илмий-педагогик марказга айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги арафасида қуриб битказилган янги бино барча шарт-шароитга, бой ўқув-методик базага эга. Институтда иш олиб бораётган бир неча кафедра ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот, ахборот-таҳлил ва нашриёт бўлимлари, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курслари, қутқарув секцияларида юксак билимли, тажрибали мутахассис, профессор-ўқитувчилар жамланган. Буларнинг барчаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари қутқарув хизматининг ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг қутқарув тузилмалари қутқарувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга хизмат қилаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**Анвар САМАДОВ, ЎзА мухбири.**

Танлов



# «АТИРГУЛ» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Атиргул" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлишлари, қобилиятларини камол топтиришлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бундай ғамхўрликлар, айниқса, миллий матбуотимизни ривожлантириш йўлидаги эзгу ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказиладиган "Атиргул" танлови ана шу тадбирлар сирасидандир.

Таъкидланишича, бу йилги танловга оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган минг нафардан зиёд ижодкор аёллар мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, умумбашарий қадриятларимизни эъзозлаш, ёшлар тарбиясини юксалтириш сингари бир қатор мавзуларда чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишларини тақдим қилдилар. Уларнинг ўн икки нафари танлов ғолиби сифатида ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Яна ўн нафар ижодкор эса рағбатлантирувчи мукофотларни қўлга киритди.

Ғолиблар сафидан Андижон вилояти "Тараққиёт" телерадиокомпанияси муҳаррири Мавлуда Аҳмедова, "Қорақалпоғистон ёшлари" газетаси мухбири Зибира Абдуниёзова, "Ватанпарвар" газетаси мухбири Зулфия Юнусова, "Ҳуқуқ" газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири Нилуфар Ниёзова, Бухоро телерадиокомпанияси муҳаррири Инобат Очилова, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали шарҳловчиси Гулнора Юнусова, шоира Муҳтарама Улуғова, "Маърифат" газетаси жамоатчи мухбири Зуҳра Рўзиева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Сайёра Шоева, "Миллий тикланиш" газетаси мухбири Маҳфуза Худойбергенова, "Жиззах ҳақиқати" газетаси мухбири Муқаддас Сафарова, "Тонг юлдузи" газетаси бўлим мудири Маъмура Мадраҳимова, Ўзбекистон ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ёшлар студияси мухбири Полина Комлева сингари иқтидорли журналистлар ўрин олган.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Фарида Усмонованинг "Ҳижрон" асари тақдимоти бўлиб ўтди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда қизлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Кўзланган эзгу мақсадларга эришишда болаларни боғча ва мактаб ёшидан спорт оламига жалб қилиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, спорт мусобақаларини кўтаринки руҳда ўтказиш, ғолибларни муносиб рағбатлантириш, шунингдек, мавжуд спорт иншоотларидаги эскирган анжом ва спорт инвентарларини ўз вақтида янгилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Болалар спортини ривожлантиришда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев сўзга чиқди.

* * *

2003 — 2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1199 та болалар спорти объекти барпо этилгани, улар умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлангани давлатимизнинг баркамол авлод тарбияси йўлидаги ғамхўрлиги нақадар юксак эканини кўрсатади.

Масалан, биргина Жиззах вилоятида ушбу даврда 73 та спорт иншооти барпо этилди. 51 мактабда спорт заллари қурилди, 14 спорт мажмуаси реконструкция қилинди. Мавжуд спорт иншоотлари 2,3 миллиард сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросига бағишлаб Жиззахда ўтказилган йиғилишда ана шу натижалар билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими С. Исмаилов бошқарган тадбирда қайд этилганидек, бугунги кунда ҳудудда ўқувчиларнинг 19,3 фоизи спорт билан шуғулланмоқда. Бироқ бу натижа қониқарли эмас. Айниқса, қизларни спортга жалб этиш борасида етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Спорт тўгараклари ташкил этиш, бадиий гимнастикани оммавийлаштиришда оқсоқлик кузатилмоқда. Мураббийлар, хусусан, аёл спорт мураббийлари етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб турибди. Йиғилишда ушбу масалаларга етарли аҳамият бермаётган мутасаддиларнинг фаолияти танқид остига олинди. Шунингдек, 2011 йилда қурилиши мўлжалланган спорт иншоотларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**О. РАҲИМОВ, У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди

***Бразилия иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳонда еттинчи поғонага чиқиб олди, дейилади мамлакат молия вазири маълумотида.***

Ўтган йили Лотин Америкасининг мазкур давлатида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 7,5 фоизга етган ва 2,18 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу Франция ва Буюк Британия мамлакатлари кўрсаткичларидан юқоридир. Шундай бўлса-да, вазирлик мазкур рақамлар ички статистика асосида тайёрланганини таъкидлаган. Бу борадаги ҳаққоний баҳо эса Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки томонидан берилади.

Экспертларнинг фикрига кўра, ҳақиқатан ҳам, ўтган йили "Катта йигирмалик" таркибига кирувчи давлатлар орасида Бразилия иқтисодиёти анча олдинга силжигани қайд этилган. Бунга 2010 йил аҳоли даромадлари 6,5 фоизга ошгани ҳам мисол бўла олади. Барқарорликка эришишда мамлакатнинг экспорт салоҳияти юксалгани асосий сабаб бўлган.

## Хакерлар ҳужуми

***"France-Presse" ахборот агентлиги томонидан маълум қилинишича, тўртинчи март куни Жанубий Кореядаги ҳукуматга қарашли сайтларга хакерлар томонидан ҳужум уюштирилган.***



Кибер жиноятчилар вазирликлар, расмий идоралар ҳамда йирик молия муассасаларининг сайтларига зарар етказишга уринганлар. Ҳозирча бу қинғирлик ким томонидан содир этилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

2009 йилда ҳам Жанубий Кореяда худди шундай воқеа кузатилган эди. Ўшанда ҳукумат тизимидаги бир қатор сайтларга жиддий зиён етказилганди.

## Уч кунда уч килограмм озиш

***Сабзавот экинлари орасида сабзининг соғлиқ учун фойдали жиҳатлари кўплиги барчага яхши маълум.***

Жумладан, ундан олинган шарбатни тез-тез ичиб туриш юрак-қон томир ва асаб касалликларининг юзага келишига самарали тўсиқ бўлади. Яқинда мутахассислар сабзининг инсон саломатлиги учун яна бир фойдали жиҳатини аниқлашди. Кузатишларга қараганда, мазкур маҳсулотдан кўпроқ истеъмол қилганлар ортиқча вазн муаммосига дучор бўлишмас экан. Мисол учун, уч кунда 3,5 килограмм сабзи еган одам уч килограмм озиши мумкин.

## Довул келтирган талафот

***Италиянинг шимоли-шарқий ҳудудларида юз берган довул кўплаб талафотлар келтириб чиқарди.***



Табиий офатдан, айниқса, Триест шаҳри жиддий зиён кўрди. Катта тезликда эсган шамол бу ердаги уйларнинг томларини учириб кетган. Дарахтларнинг қулаб тушиши натижасида автомобилларга зарар етган. Бир юз эллик нафар одам тан жароҳати олган.

Мамлакатда бундай талафотларга сабаб бўлган довул охирги 50 йилда кузатилмаган экан.

***

Шунингдек, мазкур табиий офатдан Словения давлати аҳолиси ҳам азият чекмоқда. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 150 километргача чиққан. Кўплаб таълим-тарбия муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган. Балиқчилар денгизга чиқарилмаяпти.

## Моддий манфаатдорлик қониқтирмаяпти

***Германияда давлат муассасалари ходимлари иштирокида иш ташлаш бўлиб ўтди.***

Мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида ташкил этилган намойишларда қарийб 22 минг киши қатнашган. Маҳаллий "DPA" ахборот агентлиги хабарига кўра, одамларнинг бу тартибсизликни уюштиришига маошларнинг камлиги сабаб бўлган. Шу боис улар ҳукуматдан иш ҳақларини 3 фоизга кўпайтиришни ҳамда ойига 50 евродан устама ҳақ тўлашни талаб қилганлар. Аммо ҳукумат мамлакатда бюджет тақчиллиги кузатилаётганини билдириб, бу талаб ҳозир қондирилмаслигини маълум қилган. Шундай бўлса-да, томонлар 9 март куни мазкур масалада музокара ўтказишни режалаштирмоқда.

## Антиқа марафон

***Японияда антиқа марафон ўтказилди.***




Қизиқ жиҳати, унда одамлар ўрнига роботлар ким ўзарга беллашди. Қирқ икки километрдан кўпроқ масофага югуриш баҳсларида бешта "темир одам" куч синашди. Марафонда "Robovie-PC" русумли робот биринчи бўлиб маррага етиб келди. У мазкур масофани босиб ўтиш учун 55 соат вақт сарфлади. Манбада қайд этилишича, унинг беллашувда ғолиб чиқишида рақибларининг сўнгги айланишда қуввати тугаб қолгани сабаб бўлган. Қоидага кўра, ихтирочиларнинг марафон вақтида роботларга қувват мосламаларини алмаштиришдан бошқа ҳар қандай ёрдамни кўрсатиши тақиқланган эди. Масалан, иштирокчи йиқилиб қолган тақдирда ҳам уни турғазиб қўйишга рухсат берилмади.

## Филиппинда зилзила

***Филиппинда 5,7 балли зилзила содир бўлди.***

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакатнинг Жанубий Суригао музофотида юз берган табиий офат оқибатида ҳудуддаги аҳоли яшаш жойларидан бирига жиддий зарар етган. Жумладан, бу ердаги кўплаб тураржой бинолари вайрон бўлган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

IPOTEKA BANK

***Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб банк-молия тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу соҳа тобора ривожланиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг барқарорлигини сақлаб қолди. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортиб, унинг 23 фоиз миқдоридаги етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп бўлгани шундан далолат беради.***

# БОШ МАҚСАД — МИЖОЗЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

Республикамиз банклари фаолиятидаги бундай ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредитларнинг ҳажми муттасил ортишига, пировардида жамият фаровонлигида муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга кенг имконият яратмоқда.

Тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш жараёнида "Ипотека-банк", хусусан, унинг Қорақалпоғистон филиали ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Банк филиали томонидан, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 7 млрд. 476,2 млн. сўм, шу жумладан, кичик бизнес субъектларига 7 млрд. 362,5 млн. сўм кредит ажратилгани, бунинг натижасида 567 та янги иш ўрни яратилгани диққатга сазовордир.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам жамиятга кириб келаётган навқирон оилаларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, 750,8 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли ипотека кредитлари, 150,1 млн. сўмлик истеъмол кредитлари тақдим этилиши туфайли 28 та ёш оила бошпанали бўлган бўлса, 41 ёш оила маиший техника ва рўзғор учун зарур бошқа буюмларни сотиб олди. Бундан ташқари, яна кўплаб ёшлар 175,6 млн. сўмлик кредит маблағлари эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар.

Нурмуҳаммад Турдиқулов — банк маблағларидан унумли фойдаланган ёш тадбиркорлардан бири. У банкдан 12 ой муддатга олган 400 млн. сўм кредит ҳисобига ўзи раҳбарлик қилаётган "Қорақалпоқ Интер Транс" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини янада кенгайтирди. Яъни 2010 йил давомида Оролбўйи аҳолисига "Нестле" компаниясининг 4 млрд. 81,2 млн. сўмлик сут ва яхна ичимликларини етказиб берди.

Маълумки, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари яратиш ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда давлатимиз раҳбарининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорлари муҳим омил бўлмоқда. Тегишли қарорлар ижроси бўйича мазкур соҳада меҳнат қилаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хотин-қизлар фаолияти молиявий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат кўрсатаётган тадбиркор аёлларга жами 1 млрд. 675,1 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши туфайли кўплаб янги иш ўринлари очилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси бўйича ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. 2010 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 1 млрд. 337 млн. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини етказиб бериш учун эса 930 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада кўплаб корхоналарда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологиялар жалб этилиб, ички бозорга янги турдаги маҳсулотлар чиқарила бошланди.

### Молия муассасаларида

Шу билан бирга, банк филиали жамоаси инвестициявий лойиҳаларни ўзлаштиришга ҳам катта аҳамият қаратаяпти. "Нукус Шахжахан" МЧЖга нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳамда зарур ускуналар сотиб олишга 70 млн. сўм, "Стройвектор" МЧЖга юқори сифатли ғишт тайёрлашда қўл келадиган хориж техникасини харид қилишга 140 минг АҚШ доллари, "Пром Инвест" МЧЖга мебелчилик тармоғини йўлга қўйиш мақсадида 85 млн. сўм, Амударё тумани йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармасига метан ёнилғиси қуйиш шохобчаси қуриш ва зарур ускуналар сотиб олишга 1 млрд. 400 млн. сўм маблағ ажратилгани бунинг далилидир.

2010 йил давомида, шунингдек, банк томонидан аграр соҳага йўналтирилган кредитлар деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан баракали ҳосил етиштиришда катта мадад бўлди. Айтайлик, банкнинг 62,8 млн. сўмлик сармоясига 2 та фермер хўжалигига техника харид қилинган бўлса, 447,9 млн. сўмлик имтиёзли кредитдан унумли фойдаланган 20 та фермер хўжалигида мўл пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ишлари 2011 йилда ҳам жадал давом эттирилиб, ҳозиргача 29 та фермер хўжалигига ғалла ҳосили учун 67,2 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Асаларичилик тармоғини ривожлантириш мақсадида эса Нукус туманидаги "Сабир-баба" фермер хўжалигига 12,5 млн. сўм, Қораўзак туманидаги "Бийдали-Аралбай" фермер хўжалигига 10 млн. сўм кредит ажратилди.

Хизмат кўрсатиш кўлами ва ҳажмининг мунтазам кенгайишида филиалнинг Беруний, Амударё, Хўжайли ва Нукус туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги 8 та мини-банкининг ҳиссаси катта бўлмоқда. 2010 йилда уларнинг активлари миқдори 1 млрд. 209,4 млн. сўмга етгани, шундан кредит қўйилмалари 1 млрд. 193 млн. сўмни ташкил қилгани фикримизнинг исботидир. Шунга мос равишда ўтган йили кичик молия муассасалари томонидан 358,2 млн. сўм даромад олинди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишни кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида иш юритилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Натижада 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, омонат қолдиғи амалда 4 млрд. 496,8 млн. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 111 фоизга бажарилди. Шу ўринда истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида 129 та савдо шохобчаси, 12 та жамғарма кассаси, 8 та дорихона, 11 та умумий овқатланиш, 2 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига жами 174 дона терминал ўрнатилгани, қарийб 25 минг дона (2009 йилдагига нисбатан 5724 та кўп) пластик карточка тарқатилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мухтасар қилиб айтганда, "Ипотека-банк"нинг Қорақалпоғистон филиали ўз фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, самарали ва изчил олиб бормоқда. Жамоа Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам эзгу ишлар кўламини муттасил ошириб, иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни фаол давом эттираверади.

**Ҳ. ШАМШИЕВА,**
**С. МАХСУМОВ.** t

---

# НАМАНГАНДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

***Наманганадаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида теннис бўйича Дэвис кубоги Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳ учрашувлари бошланди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси Янги зеландиялик катта теннис усталари билан куч синашмоқда.***

### Халқаро турнир

Дунё тенниси тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган Дэвис кубоги мусобақалари нуфузи жиҳатидан норасмий жаҳон чемпионатига тенглаштирилиши бежиз эмас. Масалан, биргина ўтган йили турли мамлакатларда ўтказилган 82 та учрашувга 500 мингдан зиёд, уч кун давом этган финал беллашувига эса 51 минг нафар мухлис ташриф буюрди.

Бу йил Ўзбекистон терма жамоаси Дэвис кубоги мусобақасида 18-мавсумини бошлаб, 45-учрашувини ўтказмоқда. Наманганда старт берилган ўйинларда Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ва Важа Узоқов юртимиз шарафини ҳимоя қилишаяпти. Янги Зеландия терма жамоаси эса Майкл Венус, Артём Ситак, Маркус Даниэлл, Хосе Стетхэм каби тажрибали теннисчилардан таркиб топган. Беллашувларнинг биринчи куни якка тартибдаги баҳслар бўлиб ўтди. Унда дастлаб Фаррух Дўстов — Артём Ситак ҳамда Денис Истомин — Хосе Стетхэм кортга чиқишди. Аҳамиятлиси, иккала беллашувда ҳам ҳамюртларимиз ғолиб бўлди. Уч кун давом этадиган баҳсларда гуруҳ ғолиби бўлган жамоа аниқланади.

Айтиш керакки, Дэвис кубоги мусобақаларига тўртинчи бор мезбонлик қилаётган Наманганда йирик спорт анжуманига ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Ўйинлар ўтказиладиган "Паҳлавон" спорт мажмуасининг иситиш тизими янгиланди, ёпиқ залда халқаро андозалар талабига тўлиқ жавоб берадиган замонавий корт барпо этилди. Эндиликда бу ерда бир йўла 1900 нафар мухлис катта ракетка усталари баҳсларини томоша қилиши мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Баҳор тароналари

### Анъана

***Жиззах вилояти қўғирчоқ театрида "Баҳор тароналари" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.***

Баҳорни, Наврўзни, аёлларни улуғловчи ушбу тадбирда ҳар бир ҳудудга хос бўлган лапар ва ўланлар, шунингдек, умрбоқий удумлар ва анъаналаримизни тараннум этувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, Фориш туманидаги "Тоғ шалоласи" фольклор ансамбли ижросидаги "Наврўз байрами", Жиззах туманидаги "Зебомхон" дастасининг "Оромижоним, Наврўз!" номли театрлаштирилган томошалари, Ғаллаоролнинг "Гаштак"и ижросида янграган "Сумалак базми" томошабинларга ғоят манзур бўлди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчилари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Озода БУРҲОНОВА.**




«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
Жиззах вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Зарбдор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 10-1004/6375-сонли суд буйруғига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик халқа йўли кўчаларида жойлашган, 2007 йилда қурилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.
Бошланғич баҳоси — 1 723 318 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчасида жойлашган. 2007 йилда қурилган. 3, 5, 7-уйлар.
Бошланғич баҳоси — 1 115 292 600 сўм.

Шунингдек, аукцион савдосига Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 17 февралдаги хатига асосан, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчасида жойлашган «Garant Plyus» МЧЖга қарашли қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. «Дилрабо» маиший хизмат кўрсатиш биноси.
Бошланғич баҳоси — 225 800 000 сўм.

2. «Дилрабо» маиший хизмат кўрсатиш биносида жойлашган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолатдаги «Исён» русумли кимёвий тозалаш ускунаси.
Бошланғич баҳоси — 71 691 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 6 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Жиззах вилояти филиалининг «Ипотека-банк»и АТИБ Жиззах филиалидаги ивмамчи ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452127, МФО: 00122, СТИР: 200833850.

Манзил: Жиззах ш., Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.
Телефонлар: (8-372) 222-35-77, 222-34-16.

Лицензия: ОВ 001 № 000004.




Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: (8-371) 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz
01

# КЎНГЛИМИЗ ФАРИШТАСИ, ХОНАДОНИМИЗ ЧИРОҒИ



***Аёлга эҳтиром — ҳаётга, келажакка эҳтиром. Бугун юртимизнинг ҳар бир дадил одимида, эришаётган ютуқларимизда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, Президентимизнинг юксак эътибори боис мамлакатимиз аёлларининг жамиятдаги роли ва мавқеи ошди. Эндиликда улар тиниб-тинчимас тадбиркор, малакали шифокор, фидойи ўқитувчи сифатида, хуллас ҳар бир соҳада ўз бурчларини астойдил бажариб келишмоқда.***

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Ҳаётимизнинг барча жабҳасида аёллар муносиб ўрин эгаллаётгани, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалаётгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкам қарор топаётганининг амалдаги самарасидир. Оқила, гўзал аёлларимиз ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги билан оилалардаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб келмоқдалар.

Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўплаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганликларида ҳам кўриш мумкин. Бугун юртимиз шон-шуҳрати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимизнинг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган шарафли номга сазовор бўлган аёллар сафи тобора кенгаймоқда. Санъат, илму фан, спортга қаратилаётган ғамхўрлик туфайли ушбу соҳаларда етишиб чиқаётган аёллар бугун мамлакат довруғига довруқ қўшмоқда.

— Аёллари эъзозланган, шарафланган юртда ҳамиша хотиржамлик бўлади, — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова. — Санъат туфайли юрт кездим, дунё кўрдим. Қайси мамлакатда бўлмайин, бир-икки кундаёқ Ўзбекистонимизни соғиниб қоламан. Чунки бизнинг юрт гўзал, одамларимизнинг бир-бирига бўлган меҳри беқиёс. Шундай бебаҳо ўлкамиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Гап шундаки, хориж мамлакатларида бизнинг санъатимизга ҳавас билан қарашади. Жаҳонга машҳур арияларни ижро этганимизда, қойил қолишади, олқишлашади. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида санъатни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда. Истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда қатнашиб, жажжи қизалоқларнинг ҳам қойилмақом тарзда куйлашларидан завқланаман. Фарзандлар камоли йўлида бундай ғамхўрлик унча-мунча давлатда учрамайди. Санъатга интилган қизларимиз, сингилларимиз, аввало, мана шу эътиборни чин юракдан ҳис қилсалар, ўз орзу-ниятларига, албатта, эришадилар. Байрам арафасида уларнинг барчасига омад тилаб қоламан.

— Мустақил диёримизда биз, ёшларнинг мустаҳкам билим олишимиз учун беқиёс шарт-шароит яратилган, — дейди Бухоро давлат университетининг "Инглиз адабиётшунослиги" мутахассислиги 2-курс магистранти Манзила Ибрагимова. — Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу боис ҳар биримиз ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, озод ва обод келажак қуришда асосий куч бўлиб майдонга чиқаётганимизни дилдан ҳис этиб, унга муносиб бўлишга интилмоқдамиз. 2008 — 2009 йилларда "Инглиз тили ва адабиёти" фанидан ўтказилган республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. Бир нечта шеърий тўпламларим ва инглиз тилидаги бир қанча рисолаларим нашр этилган.

Аёл — бокира муҳаббат рамзи. Аёл — эзгулик тимсоли. У бор экан, ҳаёт давом этаверади, у шод ва хурсанд экан, демак, жамият ҳам барқарордир. Бахтим шундаки, Баркамол авлод йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси учун ўтказилган танловда ғолиблар сафидан жой олдим. Бу мен учун ниҳоятда юксак масъулиятдир. Ишонтириб айтаманки, биз, албатта, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Эътибор инсонни рағбатлантириб, унинг истеъдодига қанот бағишлайди. Шу маънода фахр ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, истиқлол йилларида Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги оғушида Манзила сингари минглаб фарзандлар камол топмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлодга, хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Соғлом фарзанд эса жамият ютуғидир. Шу боис мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган ислоҳотлар бугун ўзининг юксак самарасини бераётгани барчани қувонтиради. Худди шунингдек, санъат ва мусиқа соҳасини оладиган бўлсак, кейинги йилларда Париж, Рим, Берлин, Токио, Прага, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда ёшларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг аксарияти қиз болалар эканининг ўзиёқ қалбларимизга юксак ғурур ва ифтихор бахш этади.



Мамлакатимизда аёллар, хотин-қизлар эришаётган муваффақиятлар ҳақида ҳамиша тўлқинланиб гапирсак арзийди. Истиқлолнинг қутлуғ нафаси туфайли ўз иқтидорларини намоён этаётган аёллар учун имконият ва имтиёзлар мавжуд. Бу эътибор замирида эса аёл зотига, аввало, она деб қараб, меҳр кўрсатиш ғояси мужассам. Зотан, Президентимиз айтганларидек: "Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир. Кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлмиш аёл сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келади. Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсин. Зеро, оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир".

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

***Мамлакатимизда биз, ёшларга билдирилаётган ишонч, кўрсатилаётган эътибор ҳақида ҳар қанча гапирсак, ғурурлансак оз. Мен бунга ўз ҳаётимдан мисол келтиришим мумкин. Мактабни тугаллаб, Косон педагогика-иқтисодиёт коллежида ўқишни давом эттирдим. Бу ерда замонавий ахборот технологиялари билан яқиндан танишгач, Косон шаҳрида интернет-кафе очишни дилимга тугдим.***

# ИМКОНИЯТИМИЗ КЕНГ, ИСТИҚБОЛИМИЗ ЁРУҒ

Баркамол авлод йилида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловида иштирок этиб, "Энг ёш тадбиркор аёл" номинацияси ғолиби бўлдим ва имтиёзли кредитни қўлга киритдим. Бунга эса замонавий ахборот технологияларига асосланган "Интернет-кафе" очиш ниятидаги бизнес-режам орқали эришдим.

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз мазкур соҳада Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллар экан. Туманимиз аҳолисини энг замонавий ахборот технологияларидан баҳраманд этиш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорликлар билан бир қаторда, халқаро майдонда содир бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар билан таништириб бориш мақсадида, "Микрокредитбанк"дан олган кредитим эвазига компьютер, нусха кўчириш ускуналарини харид қилиб, электрон алоқа хизматини ташкил этдик.

Жорий йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши орзуларимга қанот бағишлади, десам, асло янглишмайман. Негаки, бу тадбиркору ишбилармонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улар фаолиятини рағбатлантиришда беқиёс имкониятдир. Мақсадим, ана шу имкониятдан фойдаланиб, билдирилаётган юксак ишонч ва эътиборга муносиб бўлиш, эл-юрт равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир.

**Рушана КАРИМОВА.**
Қашқадарё вилояти

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 март, якшанба куни чиқади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 4.50 Топширилди — 5.30 1 2 3 4 5